O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 28-mart, shanba • №13(3803)

# БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ ТАДБИР



**Шу кунларда республикамизда ҳукуматимизнинг қарорига асосан ўтказилаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» қизғин паллага кирди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари ва аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб боришаётгани туфайли йўл-транспорт ҳодисалари сони тобора камайиб бормоқда. Ушбу хайрли ишда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси шахсий таркиби ҳам фаол иштирок этаяпти. Сиз кўриб турган суратда мазкур бригада 3-дивизиони катта инспектори, капитан Акром Арзиев ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечираётган пайт акс эттирилган.**

(Тадбир ҳақидаги материаллар билан газетамизнинг 5-саҳифасида танишасиз).

## Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг ўн тўртинчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**Тошкент шаҳрида 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.**

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилиб, ШҲТга аъзо давлатларда «уч ёвуз куч»га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди. Бундай натижаларга эришишда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007–2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури кенг имконият яратди. Таъкидландики, ШҲТ МАТТнинг режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010–2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг таклифларини ҳамда ШҲТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

МУРУВВАТ

# МЕҲР-САХОВАТ КЎРСАТИЛДИ



**Кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш халқимизга хос азалий одат. Инсонийликнинг бу юксак хислати айниқса, байрам ва қутлуғ кунларда кўпроқ намоён бўлади. Айни кунларда диёримизда давом этаётган Наврўз айёмида кексаларни зиёрат қилиш, беморлардан хабар олиш, етим, ногирон болаларга дастурхон тузаб, томошалар уюштирилмоқда. Ўксик кўнгилни шод этиш нақадар савобли эканини сўз билан ифодалаш қийин. Зеро, бобомиз, улуғ мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:**

***Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,***
***Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.***



Наврўз айёми давом этаётган шу кунларда пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган тадбир ҳам меҳридарё, саховатли халқимизнинг бу олижаноб фазилати янада теранроқ намоён бўлганини кўрсатди. Эрта тонгда узоқ-яқиндагиларни чорлаб дастурхон ёзиб, ҳалим тортилди. Тансиқ таом ҳиди димоқларга урилганда ҳар ким шундай кунларга етказганига шукроналар келтирди.

– Ҳалим Наврўз таомидир, – дейди республика ИИВ Шон-шуҳрат ва жанговар тарихи музейи бошлиғи, подполковник Икромжон Раҳимов. – Унинг фойдали жиҳати шундаки, бу таом кишига куч-қувват бағишлайди. Ҳам тўйимли, ҳам фойдали. Ота-боболаримиз таъриф қилганларича бор. Бир йилда бир марта тўйиб ҳалим еган киши касаллик нималигини билмайди.

Шунингдек, тадбирга Чилонзор туманидаги Хлебушкина номидаги 22-сонли, Юнусобод туманидаги 31-сонли ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 24-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилди. Меҳрга ташна жажжи болажонлар учун байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Улар баҳорий таомлардан сумалак, кўк сомсаларни татиб кўришди.

Шундан сўнг болажонлар учун концерт дастури намойиш этилди. Хушовоз хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар болажонларга олам-олам қувонч улашди. Шунингдек, республика ИИВ «ЖАР» ССМ ҳузуридаги ҳарбийлашган махсус мактаб-интернати ёш санъаткорлари ҳам истеъдодларини намойиш қилишди. Миллий анъаналаримиз акс этган саҳна кўринишлари байрамга ўзгача шукуҳ бахш этди.

– Ота-боболаримиз азалдан айёмда бева-бечора, ширин калом ва эътиборга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи, деб билишган, – дейди «ЖАР» ССМ бошлиғи, полковник Абдусалом Исаходжаев. – Бундай улуғ айём кунлари ўксик қалбларга қувонч улашиш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Дарҳақиқат, шундай мунаввар кунларда одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш, етимларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган фазилатдир.

– Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ёруғ келажагимизни ёш авлодимиз тимсолида кўрамиз, – дейди республика ИИВ «ЖАР» ССМ ҳузуридаги ҳарбийлашган махсус мактаб-интернати ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Муҳайё Обидова. – Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари кўзидаги қувонч, шодлик бизни жуда руҳлантириб юборди. Мурувват, саховат, эзгулик айёми болажонлар қалбида бир умр ёдда қолади, албатта. Бу тадбирни уюштирганлар, меҳр ва саховат кўрсатганларга болажонлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳа, Наврўз – бағрикенглик тантанаси. Уйғониш, нафосат, меҳр-оқибат айёми барча юртдошларимизга қутлуғ келганидек, мурғак қалб соҳиблари кўнглига ҳам эзгулик улашди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратларда:** ***шодиёнадан лавҳалар.***

**Жасур АБДУЛЛАЕВ**
**олган суратлар.**

ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ борасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг мукаммал ва кафолатланган тизимини яратишдан иборат. Бу ўринда, амалдаги Жиноят кодексида жиноий жазоларнинг қанчалик инсонпарварлик ва одиллик принципларига асосланиб белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу мақсадда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди. Мазкур ислоҳотлар натижасида маҳкумларга нисбатан тайинланаётган жазолар босқичма-босқич либераллаштирилди. Натижада 2001 йилнинг август ойида Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида Жиноят кодексига ярашув институти киритилди. Бу ўз навбатида, жиноят ишларини ҳал этишнинг самарадорлиги ва тезкорлигини оширди ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар учун жавобгарликка тортилган, яъни судланганлик тамғаси босилиши мумкин бўлган шахслар сонининг кескин камайишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти шахсга содир этган қилмиши учун масъулиятни ҳис этишга ва пушаймон бўлишга имкон беради ҳамда жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ихтиёрий равишда зудлик билан қопланишини таъминлайди. 2001 йилнинг август ойига қадар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмиш орқасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш учун суднинг қарори чиқиши, у қонуний кучга киргандан кейин ижро варақа ёзилиши, сўнг ижро органи томонидан ундирилиши бир мунча узоқ вақтни эгаллар эди. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти Жиноят кодексига киритилиши билан жабрланувчининг ҳуқуқлари тергов жараёнидаёқ тикланишига замин яратилди.

Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур институт жорий этилган вақтдан бошлаб, яъни 2001 йилдан 2009 йилга қадар жами судланганларнинг 23,8 фоизи жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Бу эса тергов қилинган жиноий ишларнинг ҳар тўрттадан биттаси бўйича айбдор шахсларга нисбатан жабрланувчи тараф билан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва асосан шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ 42 та жиноят таркибини қамраб олган жиноят кодексининг 31 та моддаси бўйича жавобгарликдан озод қилишни назарда тутади. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда, ярашув институтини Жиноят кодексининг $66^1$-моддаси таъсир доирасига тушувчи, содир этилиш характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича шу моддада белгиланган моддаларга ўхшаш бўлган яна 11 та жиноят таркиби, яъни 9 та моддага кенгайтириш имконияти мавжудлигини аниқлашган.

Жиноят кодексида мавжуд бўлган мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ҳар тарафлама ўрганиб чиқилгандан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йилнинг 27 февралида киритилди. Мазкур қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул қўмита сифатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси белгиланди.

Республикамиз Бош прокурори таклиф этган мазкур қонун лойиҳасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган, Жиноят кодексидаги яна 9 та моддани, яъни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш (138-модданинг 1-қисми), хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (143–модда), меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (148-модда), ўзбошимчалик (229-модда), тадқиқот фаолиятини амалга ошириш хавфсизлик қоидаларини бузиш (256-модданинг 1 ва 2-қисмлари), меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (257-модданинг 1-қисми), тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (258-модданинг 1-қисми), ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (259-модданинг 1-қисми) ва безорилик (277-модданинг 1-қисми)ларини Жиноят кодексининг $66^1$–моддасига киритиш таклиф этилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида белгиланишича, Жиноят кодексининг 104-140, 164-166, 168-173, 183, $186-186^2$, 193-204, 213, 214, 216-217, 222, $224-229^2$, 243, 244, 245, 247-264, $266-278^6$-моддаларида назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар идоралари терговчилари томонидан олиб борилади.

Бундан кўринадики, таклиф этилаётган қонун лойиҳасидаги Жиноят кодекси моддаларининг 138-модданинг биринчи қисми, 229-моддаси, 256-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 257-модданинг биринчи қисми, 258-модданинг биринчи қисми, 259-модданинг биринчи қисми ва 277-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи ижобий ҳал қилиниши керак. Қайд этилган моддаларда назарда тутилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ишлари бевосита республика Ички ишлар вазирлиги терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 351-моддасининг талабларидан бирига кўра, иш тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокурорга топширилган куни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади. Демак, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган моддаларнинг аксарияти бўйича ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи Ички ишлар вазирлиги терговчиларига яна бир бора қўшимча масъулият юклайди. Яъни, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган моддалар бўйича тарафлар дастлабки тергов жараёнида ярашиб қолган тақдирда жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойлик тергов муддатини тугашини кутиб ўтирмасдан ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокурорга топшириши лозим бўлади.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2009 йил 11 мартда бўлган ялпи мажлисида депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди. Билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланиб қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқилди ва Қонун сифатида қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти такомиллаштирилиши натижасида Жиноят кодекси янада либераллаштирилади. Буни эса мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми деб ҳисоблашимиз мумкин бўлади.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТИКЛАНДИ

Лотин Америкаси оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда айтилишича, Коста-Рика ва Сальвадор давлатлари Куба билан дипломатик алоқаларни қайта тиклади.

Эслатиб ўтамиз, 1959 йилда Сальвадор 1961 йили эса Коста-Рика Куба билан дипломатик алоқаларни батамом узганди.

### ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН...

Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра, Саудия Арабистони ҳукумати шу йилнинг февраль ойида рўйхатда турувчи жангариларни ватанига қайтишга ундаб,



реабилитациядан сўнг оилалари билан яшашларини ваъда қилганди. Шундан сўнг, Ал-Қоида етакчиларидан бири Фаҳад аль-Руваили Саудия ҳукуматига таслим бўлди.

### ОДАТДАГИ ЛАМПОЧКА СОТИЛМАЙДИ

Еврокомиссия Европа Иттифоқига аъзо давлатларда одатдаги лампочка — чўғланма лампани босқичма-босқич савдодан олиш ва ўрнига электр энергиясини 75 фоизгача иқтисод қиладиган янги турдаги ёритгичлардан фойдаланиш таклифини маъқуллади. Унга кўра, жорий йил сентябридан 100 ваттли лампочкалар, 2010 йилдан эса 75 ваттлиги савдодан бутунлай олинади.

### ЯНГИ ТОПИЛМА

Амазонка чангалзорларида перулик археолог Квирино Оливер тахминан 10 мингдан ортиқ Колумб маданиятигача бўлган тошга чизилган расмларга дуч келди. Тошга чизилган расмлар Тамболик қишлоғи яқинидаги ғорларда бир неча асрлардан буён сақланиб ётган. Олимнинг таъкидлашича, ғор деворларида ов саҳнаси, шунингдек, турли-туман геометрик шакллар, лабиринтлар акс этган. Расмларнинг аксариятида қизил, сариқ, қора ва жигар ранг бўёқлардан фойдаланилган.

### ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИДА

Европа Иттифоқи жаҳон иқтисодий инқирозидан жабр кўрган Шарқий Европа мамлакатларига 50 миллиард евро кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирча Венгрия ва Латвияга 10 миллиард еврога яқин пул берилди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

АМАЛИЁТ

## ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА БАХТИ

**Сирдарё вилояти ИИБда амалиёт ўтаётган ИИВ Академияси 4-курс тингловчиларининг ота-оналари билан учрашув бўлди. Йиғилишни вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Р. Муҳсимов кириш сўзи билан очди.**

Тадбирда сўзга чиққан ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, полковник Б. Закиров тингловчиларнинг ота-оналарига уларнинг билими, малакаси, иқтидори ва имкониятлари тўғрисида гапирди. Намунали хулқли, интизомли ва аъло баҳоларга ўқиётган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг мақтов ёрлиқлари топширилди.

Сирдарё вилояти бўйича амалиёт раҳбари, катта лейтенант Фарҳод Ҳотамов кадрлар тайёрлашнинг муҳим босқичи саналган амалиёт ички ишлар идораларининг илғор тизимларида ўтказилаётганлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**
**катта лейтенант.**

*Сирдарё вилояти.*

## БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

**Республика ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчиларидан бир гуруҳи Наманган вилояти ИИБда амалиёт ўташяпти.**

Тингловчилар Академияда олган назарий билимларини намойиш этиб, касбни жуда тўғри танлаганликларини исботлашмоқда. Бу ерда уларнинг амалиёт дастурини муваффақиятли бажаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Устоз-шогирд анъаналарига амал қилган ҳолда уларнинг ҳар бирига мутахассислиги бўйича камида беш йил ишлаган малакали ходимлар бириктирилди.

— Яқин кунларда мутахассислик дипломини қўлга киритадиган ёшлар Академияда олган кўникмаларини амалда дадил қўллашаяпти, — дейди Наманган шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник А. Раҳматуллаев. — Амалиёт ўтаётган тингловчилар бир қатор жиноятларни очишда ходимларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

*Ходимларнинг ютуғи шундаки, жорий йилнинг бошидан қўриқдаги объектлар дахлсизлигига раҳна солувчи бирорта ҳам ҳолат қайд этилмади.*

ВАТАНГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ БУРЧ

# ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

**Йигит учун аскар бўлиб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш, ҳарбий хизмат қилиш шараф ва фахрдир. Ватан ҳимоячиси бўлиш орзуси билан ёнаётган ёшларимиз армия сафларида хизматни бошладилар.**



ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида навбатдаги муддатли ҳарбий хизматчиларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда билим юрти раҳбарияти, фахрийлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Зангиота туман бўлими, туман хотин-қизлар кенгаши, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ҳамда ёш аскарларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ё. Сайдуллаев кириш сўзи билан тадбирни очиқ деб эълон қилганидан сўнг жанговар байроқ тантанали равишда саф майдонига олиб кирилди ва Давлат мадҳияси ижро этилди. Шундан сўнг ёш аскарлар ўз халқига, Президентига содиқлиги ҳақида тантанали қасамёд қилдилар.

Билим юрти фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник И. Буронов, ота-оналар номидан Ж. Зуҳурова ва оддий аскар Д. Маҳмудов сўзга чиқиб, барча аскарларни қасамёд қабул қилганликлари билан табриклаб, самимий тилаклар билдиришди.

Тадбир якунида ёш аскарлар ва уларнинг яқинларига ИИВ Ашула ва рақс ансамбли ҳамда олий билим юрти ҳаваскорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилиб, байрам дастурхони ёзилди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**Акмал ХАЙРУЛЛАЕВ олган сурат.**

ТАДБИР

## ҚЎШАЛОҚ ШОДИЁНА

***Наврўзни халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутади. Янги кун, янги фасл дебочаси бўлмиш мазкур айём ўзининг кўрку тароватн билан бошқа байрамлардан ажралиб туради.***

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезаётган шу кунларда Янгийўл тумани Гулбаҳор қўрғони сайилгоҳида сайил бўлиб ўтди. Тадбирни туман ҳокими Н. Ҳаитқулов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни айём билан қутлади. Шундан сўнг, 2008 йил якуни бўйича яхши натижаларга эришган бир қатор ишчи-хизматчилар, халқ таълими ходимлари ҳамда қишлоқ хўжалиги филойиларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

Шунингдек, байрам муносабати билан ташкил этилган шодиёналар мустақил ҳаётга қадам қўяётган 18, 24-мактаб ўқувчилари учун унутилмас кун бўлди. Ушбу билим даргоҳларида таълим олаётган бир гуруҳ ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

– Мана шундай гўзал айёмда фуқаролик паспортини олганимдан ҳаяжондаман, – дейди 24-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мафтуна Нурматова. – Бу муътабар ҳужжатни кўз қорачиғидек асрайман.

Тантанали йиғилишда туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор М. Саттаров Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортининг аҳамияти, ундан фойдаланиш ва сақлаш қоидалари ҳақида гапирди. Шундан сўнг 23 нафар йигит-қизга паспорт берилди.

Тадбирда хонандалар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага файз киритишди.

**А. ФАЙЗИЕВ.**
*Тошкент вилояти.*

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

**Айни пайтда Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими шахсий таркиби томонидан 564 та тоифаланган объектлар, 173 та фуқаролар хонадони қўриқланмоқда. Ходимларнинг ютуғи шундаки, жорий йилнинг бошидан қўриқдаги объектлар дахлсизлигига раҳна солувчи бирорта ҳам ҳолат қайд этилмади. Бу албатта, фуқароларнинг мазкур хизматга бўлган ишончини янада оширади.**

## МАСЪУЛИЯТ ЗАМИРИДАГИ СЕРГАКЛИК

Ходимлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш билан бирга шаҳарда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бошқа соҳавий хизматлар билан биргаликда «Тозалаш–Антитеррор», «Қидирув», «Қорадори» ва бошқа тадбирларда иштирок этишаётгани фикримизга далилдир. Шу кунга қадар улар томонидан 60 нафарга яқин шахс ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ИИБга олиб келинди.

Самарқанд шаҳридаги темир йўл вокзали ёнидаги бекатда қўриқлаш бўлими ходимлари, кичик сержант А. Ҳотамов ва сафдор А. Тоиров хизмат ўташарди. Улар томонидан Самарқанд шаҳри Абу Бакр Розий кўчасида яшовчи К. Шуҳрат ва 29-даҳада истиқомат қилувчи Х. Искандар маст ҳолда жамоат тартибини бузаётган вақтда ушланиб текширилганда К. Шуҳратнинг ёнидан газ тўппончаси топилди ва қурол тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Катта сержантлар И. Очилов ва У. Ҳожимамедов жиноят содир этиб, қидирувда бўлган Х. Зебо ва Б. Нодирни ички ишлар ходимлари билан бирга қўлга олишда иштирок этишди.

Бўлим ходимларининг майда ташмачиликларга қарши курашиш борасида олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида еттита ҳолат аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида суд томонидан 110744 сўм миқдордаги моддий-товар бойликлар қайтариб олинди.

Ўз фаолияти давомида ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ходимларнинг мардлиги ва фидойилиги эътиборсиз қолдирилмаяпти.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**
*Самарқанд вилояти.*

«ТОЗАЛАШ – АНТИТЕРРОР»

## ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Наврўз умумхалқ байрами Қашқадарё вилоятида шоду хуррамлик билан нишонланди. Бунда айём олдидан «Тозалаш – Антитеррор» махсус профилактик тадбири ўтказилгани осойишталикка пухта замин ҳозирлади. Натижада ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг пайи қирқилди. Айниқса, ички ишлар ходимларининг маҳалла фаоллари ва посбонлари билан ҳамкорликда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш борасида нотинч оилалар, муқаддам судланганлар билан назорат тартибида профилактик тадбирлар олиб боргани қўл келди. Шунингдек, яшаш жойидан узоқ муддатга кетиб қолган шахслар аниқланиб, қайтиб келган фуқаролар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди.

Жойларда маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан иборат гуруҳлар биргаликда иш юритиб, ноқонуний яшаётган фуқароларни аниқлаш, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш, эгасиз қолдирилган биноларни доимий назоратга олиш, ёнғин хавфсизлиги талабларига қай даражада амал қилинаётганини аниқлаш бўйича тегишли чоралар кўришди. Тадбир жараёнида содир этилган жиноятларнинг аксарияти «иссиқ изида» очилди. Фуқаролардан ноқонуний сақланаётган 28 та ов қуроли олиб қўйилди. Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган 42 нафар шахс ушланди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида кўзланган мақсадга эришилди. Зеро, фуқароларнинг ҳушёрлиги ошиб, теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга теран назар ташлаши бир мунча ўзгарди.

**С. РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

«ИССИҚ ИЗИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

## ТЕХНИКА «ИШҚИВОЗ»ЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

**Арнасой туманидаги Ҳамид Олимжон номли 13-ўрта мактаб жамоаси информатика хонасидан 10 дона компьютер процессорлари ўғирлаб кетилганлигини билганларидан сўнг, бу тўғрисида туман ИИБга хабар беришди.**

Туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир чоғида «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида содир этилган ўғрилик жинояти фош қилинди.

Ушбу жиноятни очиш мақсадида кенг қамровли қидирув ва суриштирув ишлари олиб борилди. Олинган барча маълумотлар таҳлил қилинди. Айниқса, вилоят ИИБ ЭКБ мутахассислари гумондорлардан ҳамда воқеа жойидан олинган бармоқ изларини текширишгач, калаванинг учи топилди. Излар шу маҳаллада яшовчи Қ. Ойбек ва унинг шериги У. Элёрга тегишли экан. Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида бу ёш йигитлар содир этган жиноятларини тан олишди.

Афсуски, ушбу ўғирликдан сўнг орадан бир неча кун ўтиб, Арнасой тумани деҳқон бозори ҳудудида яна жиноят юз берди. Номаълум шахслар тунда хусусий дўкондан 24 дона, нархи қарийб уч миллион сўм бўлган уяли телефонларни ўмариб кетишган эди.

Туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ ушбу ўғирликни содир этишда гумонланиб, икки ёш йигит – М. Жумабой ҳамда Қ. Сирож ушланди.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,**
**майор.**
*Жиззах вилояти.*

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

### ТЕЛЕФОН ВА ЧАРМ КУРТКА

Сурхондарё вилояти Термиз туманида яшовчи Д. Тоштемир ИИБга мурожаат қилиб, икки номаълум шахс куч ишлатиш йўли билан «Нокия» русумли уяли телефони ва эгнидаги чарм курткасини ечиб олганини билдирди. Ўзганинг моли ҳали ҳеч кимга буюрмаган. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни Ф. Ғиёс ва С. Олим содир этгани аниқланди, қўлга олинди.

### СУМКАНИ ОЛИБ ҚОЧИШГАНДИ...

Пойтахтнинг Яккасарой туманида Тошкент вилоятилик Н. Жасур ва О. Баходир фуқаро М. Маринанинг қўлидаги сумкани олиб қочаётганда шу ерда хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ходимлари томонидан ушландилар. Айни ёшлик чоғида ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш ўрнига эгри йўлга қадам босган бу йигитлар энди қонун олдида жавоб беришади.

### РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН ҚУРОЛ

Наманган вилоятида ўтказилган «Тозалаш – Антитеррор» тадбири пайтида 1980 йилда туғилган Л. Давроннинг уйи кўздан кечирилганда у ердан ИИБда рўйхатда бўлмаган «ТОЗ» русумли ов милтиғи олинди. Ҳар қандай қурол инсон ҳаётига жиддий хавф солиши мумкин. Афсуски, баъзи фуқаролар ҳали-ҳануз буни тушуниб етишмаяпти. Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ИНСТИТУТ ҲУДУДИДАГИ ТАЛОНЧИ

1986 йилда туғилган Ш. Зоир Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳудудида шу институтнинг 2-курс талабаси Ю. Шомансурни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйди. Аммо талончининг бу «ҳунари» унга наф келтирмади. Кўрилган чоралар натижасида Ш. Зоир қўлга олинди.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**
**сафдор.**

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТДАН

# ОҚИБАТЛИ ВА МУРОСАЛИ

**Қарши тумани «Лағмон» маҳалла фуқаролар йиғини яраштириш комиссияси аъзолари хонадонларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

– Маҳаллада 3600 нафар фуқаро истиқомат қилади, – деди маҳалла фуқаролар йиғини ва яраштириш комиссияси раисаси Дилором Норова. – Бизда жанжалкаш оилалар, норасмий диний оқим аъзолари, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланганлар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар йўқ. Боиси, воҳа марказига яқин бўлгани учун ишсизлик муаммоси учрамайди. Сир эмас, баъзан жаҳл келганда, ақл кетади деганларидек, оилада ёки қўни-қўшнилар ўртасида арзимаган низолар келиб чиқади. Агар бу ҳақда ариза тушса етти кишидан иборат яраштириш комиссияси келишмовчиликнинг сабабларини ўрганиб чиқади. Шундан сўнг кўпчиликнинг муҳокамасига тушган жанжалкашларга мулоҳаза қилиш учун бироз вақт берилади. Машойихлар вақтни бекорга олий ҳакам дейишмаган. Орадан ўтган фурсатда ножоиз хатти-ҳаракат қилган киши қилмишини ўзича тарозига қўйиб кўради. Мулоҳаза юритиб, пушаймон бўлади. Бу ҳол ҳаётда кўп бор ўз исботини топган ҳақиқат. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, қонуний тўхтамга яраштириш йўли билан келинишни кўплаб оворагарчиликлар ва шахсларнинг судланган, деган тавқи лаънатдан халос бўлишига олиб келаяпти. Бунинг натижасида маҳаллада қарийб беш йилдан буён бирорта жиноят юз бергани йўқ.

Яраштириш комиссияси фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йили битта низоли оиланинг муаммоси бартараф этилишига эришилди. Лағмон қишлоғида яшовчи О. Ўсаровнинг турмуш ўртоғи вафот этиб, беш фарзанд тарбияси ота зиммасига тушди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, у бир болали аёл билан турмуш қурди. Ўрталарида фарзанд туғилгач, тақдир тақозоси билан О. Ўсаров ҳам оламдан ўтди. Ана шундан сўнг она-болалар ўртасида уй-жой можароси юзага келди. Бу нохуш ҳолатдан хабар топган яраштириш комиссияси тезда оиладаги муҳитни ўрганиб чиқиб, масаланинг ечимини топишга киришди. Дастлаб икки



катта ўғил маҳалла ҳомийлигида уйлантирилди. Сўнгра ҳар бирига уй-жой қуриш учун ер ажратиш масаласи ҳал этилди. Улар тезда янги томорқадан уй қуриб, кўчиб чиқишди. Бу орада ака-ука Али ва Доли Ўсаровлар маҳалладаги қандолатчилик кичик корхонасига ишга жойлаштирилди. Шундан сўнг хонадондаги низо ўз-ўзидан барҳам топиб, бугунги кунда иноқлик ҳукм сурмоқда.

Маҳалла фуқаролари осойишталигини таъминлашда туман ИИБ ҲООБ 29-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант А. Раҳмонов, маҳалла посбонлари сардори А. Раҳматовнинг ҳамкорлиги катта аҳамият касб этаяпти. Тунги навбатчилик намунали ташкил этилгани сабабли ҳудудда кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида «Огоҳлик ва ҳушёрлик – осуда турмуш замини», «Ватан кўздир, киприк бўлиб асраймиз уни» «Ёшлар тарбиясига ҳамма масъул» каби мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар уюштирилаяпти. Бундай тадбирларда ҳар бир фуқаро атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар ташлаб, осойишталикни асрашга ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги уқтирилаётгани уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Раиса диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Д. Ўринова, жамоатчилик асосида фаолият олиб борувчи хотин-қизлар кенгаши раисаси М. Қамарова билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида маҳалладаги «Ёшлар маркази» имкониятидан келиб чиқиб, шарт-шароитлар яратилмоқда. У ерда пойафзал таъмирлаш, сартарошхона, новвойхона, бичиш-тикиш, сандиқсозлик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби касб-ҳунарлар йўлга қўйилган. Вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун футбол, волейбол, каратэ, баскетбол тўгараклари мунтазам фаолият юритаяпти.

Йил бошида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичида Д. Норова фидойилиги учун «Оқибатли ва муросали яраштириш комиссияси» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# МЕТИН ИРОДАЛИ ИНСОН

**Яхши одамлар ҳамиша элнинг ардоғида бўлишади. Уларнинг эзгу хислатлари нафақат ўз оиласига, балки шу атрофда истиқомат қилувчи бошқа хонадонларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Бундай кишиларнинг оиласига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу инсонни ҳам республикамиздаги ички ишлар ходимларининг кўпчилиги яхши билишади. Бунинг эса ўзига хос сабаблари бор, албатта.**

Темур Айдаров 1968 йилда ИИВ Тошкент Олий мактабига йўлланма билан келиб, кириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топширди. Олий мактабни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ички ишлар идораларида хизматни бошлади.

1972 йилдан республика ИИВ Тергов бошқармасида, кейинчалик Жиззах вилояти ИИБ тергов бўлимида турли лавозимларда хизмат қилди. Сўнгра у яна пойтахтга қайтиб, ИИВ Тергов бошқармаси бўлимини бошқарди. Кўп ўтмай, Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Узоқ йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилган полковник Темур Айдаровнинг тергов амалиётидаги катта тажрибаси, билим ва маҳорати ҳисобга олиниб, уни ИИВ Академиясига таклиф этишади. Бу ерда илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланди. «Криминалистика» кафедрасида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи, факультет раҳбари лавозимларида 2004 йилнинг охиригача хизмат қилиб, истеъфога чиқди.

Дарҳақиқат, бир соҳада узоқ йиллар хизмат қилиш осон эмас. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчилик билан бевосита курашиш кўп куч, чидам, маҳорат ва истеъдодни талаб этади. Т. Айдаровнинг куч-қудрати ҳаммасига бардош берди, тўплаган тажрибаси ва истеъдоди ишнинг сифати ва самарасига ўз таъсирини кўрсатди. Унинг намунали хизматлари муносиб тақдирланди.

Нафақага чиқса-да, ҳали ғайрат-шижоати жўш уриб турган Темур Айдаровни пойтахтимиздаги Уйғониш маҳалласи аҳли оқсоқолига муовинликка сайлашди.

Темур ака тиниб-тинчимас, юрт равнақи йўлида ёниб яшашини яна бир бор исбот қилди. Маҳалладаги жамоат ишларида ҳам анча фаоллик кўрсатиб келаяпти.

Бир соҳада қирқ йил ишлашнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун ҳаётда юз берадиган гоҳ қувончли, гоҳида қалтис вазиятлар одамларни янада тоблайди, мураккаб шароитларда имтиҳондан ўтказади. Бундай синовларга ҳар қандай инсоннинг ҳам бардоши етавермайди. Бунинг учун Темур акадек метин иродали бўлиш лозим.

**Азамат СУЮНОВ.**

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

# ИШОНЧ, САМИМИЙЛИК АСНОСИДА

**Катта лейтенант Жўрабек Султоновнинг таржимаи ҳоли қисқагина: ўрта мактабни битириб, ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга кирди. Уни аъло баҳоларга битириб, фаолиятини Сурхондарё вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори вазифасида бошлади. Айни чоғда у Термиз тумани ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори бўлиб хизмат қилаяпти.**

Отаси Норбой Султонов диёнатли, ҳалол, виждонли инсон. У киши узоқ йиллар таълим соҳасида хизмат қилган. Термиз Давлат университети ўқитувчиси сифатида кенг жамоатчилик ҳурматини қозонган. Онаси эса фарзандининг одобли, ўқимишли, энг муҳими, халқи, одамлар корига ярайдиган инсон бўлиши учун меҳнатини аямади. Бугунги кунда Жўрабек оила анъаналарини давом эттирмоқда.

Катта лейтенант Жўрабек Султонов 22 ва 25-милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланади. Уни гоҳ мактабда, гоҳ коллежда ёшлар, ота-оналар, муаллимлар, шунингдек, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашаётганини кўрасиз. Ўсмирлар орасида учрайдиган ҳар бир нохушликнинг илдизини топмагунча тиниб-тинчимайди.

Катта лейтенант Жўрабек Султонов хизмат қилаётган ҳудудда аҳоли гавжум. 9 та мактаб ва битта коллеж бор. 4 нафар бола ҳуқуқбузарлиги учун профилактик ҳисобга олинган.

Дарсларга мунтазам қатнашмаган ўқувчи унинг кўз ўнгида. Аниқласа оиласидаги аҳвол оғир экан. Ота-она ўзаро жанжал оқибатида ажрашган, она фарзандини қолдириб, олис шаҳарга ишлаш учун кетган эди. Тарбиядаги ана шу кемтиклик, бола қалбидаги жароҳат уни эгри йўлга бошлаганди. Муқаддам судланган қўшни ўз ғараз ниятларини амалга ошириш учун ундан восита сифатида фойдаланган.

Ж. Султонов ҳеч бир боланинг дилини оғритмайди. Унинг тарбияда ўз усули бор. Бу ишонч, самимият, кимдир адашса тўғри йўл кўрсатиш, оғир дамларда қўллаб-қувватлашдан иборат.

Дарвоқе, илк қаламини нотўғри босган, ота-она тарбиясидан эрта бебахра қолган ўша ўсмир бугунги кунда нечоғли ўзгарганини тасаввур этиш қийин. У мактабда аълочи ўқувчи, «Камолот» ёшлар ҳаракати фаолларидан. Унинг чеҳрасида илгариги маъюсликдан асар ҳам йўқ. Катта лейтенант Ж. Султоновнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳаётга, жамоат ишларига ташналик бор. Бундай ўзгариш эса ишонч, тарбия маҳсулидир.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ, «Постда» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

POSTDA-TV

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 30-mart – 5 aprel

«O'ZBEKISTON» ЧОРШАНБА, 22.40

**«Чаплин». Б/ф. 1-қисм.**



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 21.30

**Ҳинд киноси: «Салом-Намастэ».**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Ҳафтани янги лойиҳа ва режалар устида ишлашдан бошлаш лозим. Илмий салоҳиятингиз юксалиб, дунёқарашингиз кенгайишига имкон туғилади. Мақсадга эришиш осон бўлмаслигини эслатиб ўтамиз. Шу боис дўст ва ҳамкорлар кўмагига таяниб иш тутинг.

### СИГИР

Тажрибангизга таяниб иш тутишга ҳаракат қилинг. Огоҳликни кучайтириб, фирибгарларга алданишдан эҳтиёт бўлинг. Режа ва мақсадларингиз ҳақида очиқ гапирмаганингиз маъқул. Бу ҳафтада ўзингизни қизиқтирган сирдан воқиф бўлишингиз мумкин.

### ЭГИЗАКЛАР

Дўстлар билан кўнгилли мулоқот бўлиши кутилмоқда. Ўзаро суҳбат чоғида янги лойиҳа ва режалар туғилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Таваккал режа ва муҳим вазифаларга қўл уришдан аввал вазиятни атрофлича ўрганиб чиқишни маслаҳат берамиз.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Таъсир доираси ҳамда обрўни ошириш ҳақида ўйлаб кўриш лозим бўлади. Қатъиятли бўлишга ҳаракат қилинг. Атрофдагилар кўмагига ишониб қолмай, ўзингиз имконият излаганингиз маъқул. Сафар, саёҳат, музокараларни кейинга қолдиришни маслаҳат берамиз.

### АРСЛОН

Билим доирасини ошириш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш, дунёқарашингизни кенгайтириш учун қулай вақт. Қатъиятли бўлинг, таваккал ишларга қўл уришдан аввал ўйлаб кўрган маъқул. Энг яхшиси қўлдан келмаган ишга киришмаслик лозим.

### БОШОҚ

Инвестиция ва кредит масалаларига эътибор қаратинг. Молиявий ишларда турли имкониятлар юзага келиши кутилмоқда. Яқин кишингиз билан муносабатларингиз бузилишига йўл қўйманг. Ўзингизни қўлга олиб, оғирроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

### ТАРОЗИ

Яқин кишингиз билан муносабатларни янада яхшилашга ҳаракат қилинг. Келгуси режалар ҳақида маслаҳатлашиб иш кўриш ҳар жиҳатдан фойдали бўлади. Бу ҳафтада кўп ҳаракат қилиб толиқиб қолишингиз мумкин. Шу боис соғлиқни асрашга эътибор қаратинг.

### ЧАЁН

Ақлий иш билан шуғулланишнинг айни вақти. Соғлом турмуш тарзини танлаган бўлсангиз, парҳез ҳақида унутманг. Ҳар бир ишни аниқ режа асосида амалга оширсангиз, омад кулиб боқади, албатта. Дўстлар билан кўнгилли дам олишга вақт ажратинг.

### ЁЙ

Ҳафта давомида сизда ишқий муносабатлар бўлиши мумкин. Фарзандларга кўпроқ вақт ажратиб, улар билан турли ўйинларда иштирок этишга ҳаракат қилинг. Пулни ўйлаб ишлатишни унутманг. Қариндош-уруғлар билан зиддиятга бормаслик лозим.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Оила юмушлари, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун қулай вақт. Муаммоларни оила аъзолари билан ҳамжиҳатликда ечишга ҳаракат қилинг. Яқинлар фикрига ҳам қулоқ тутинг. Автомобиль эгаларига йўлларда эҳтиёт бўлиш маслаҳат берилади.

### ҚОВҒА

Ҳафта бошида хабар, мактуб олишингиз мумкин. Янги билимларга интилишингиз кучаяди. Сафарга чиқиш кутилмоқда. Моддий жиҳатдан қийналиб қолмаслик учун пулни тежаб сарфланг. Нотаниш инсонлар билан мулоқотга киришмаган маъқул.

### БАЛИҚ

Моддий аҳволни яхшилаш имкониятларини қидиринг. Ички кечинмаларни таҳлил этишга аҳамият қаратинг. Пул ишлатишда тежамли бўлишни унутманг. Шахсий муносабатларда худбинлик, яқин кишини норози қилиш ғалвага бош тиқишга сабаб бўлади.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 Т/с «Пойдевор».
7.40 «Ўзбекистон табиати».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.25 «Изҳор».
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Сеҳрланган бола». М/ф.
10.15 «Камолот остонаси».
10.35 Андижон вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. Андижон томонларда. 2. «Наврўз шукуҳи».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Довюрак самурай». Т/с.
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 «Кичик устоз». Б/ф. 1-қисм.
13.50 «Очун».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Обод манзиллар».
16.25 «Тезкор хабарлар».
16.45 «Дунё манзаралари».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.40 «Олтин мерос».
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 «Кичик устоз». Б/ф. 2-қисм.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Одамлардан бири».
21.50 «Довюрак самурай». Т/с.
22.40 «Худди ота боладек». Б/ф. 2-қисм.
23.20 Тунги наволар.
**«Uzbekistan»**
23.30 «Обод манзиллар».
23.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.40 «Одамлардан бири».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.35 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.15 «Ўзбекистон табиати».
05.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси».
05.45 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Қадрдон қўшиқлар».
7.45 «Баҳор таровати». Т/с.
8.30 «Нафосат олами».
8.40 «Шарқ гавҳари».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Миллий мультфильм».
9.30 «Адабиёт дарси».
9.35 «Табиатни севамиз».
9.50 «Сувни асранг!»
9.55, 12.55 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Ошин». Т/с.
10.55 «Наврўз нафаси».
11.00 «Ватанпарвар».
11.40 «Келажак эгалари».
11.50 «Олтин тупроқ».
12.00 «Қасамёд». Т/с.
12.45 «Камолот».
13.00 «Давр».
13.10 «Тошкентнома».
13.25 «Шарқ дарвозаси».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 Т/с «Чорраҳадаги уй».
14.30 «Мўъжизавий дунё».
15.15 «Наврўз илҳомлари».
15.25 «Сеҳрли қўллар».
15.55 «Мафтункор замин».
16.00 «Давр».
16.10 «Тошкент тароғаси».
16.15 «Тоғларда баҳор».
16.25 «Қувноқ оҳанглар».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
16.55 «Илҳом қанотлари».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.35 «Сумалак, сумалак!»
18.40 «Қишлоқ ва таълим».
18.50 «UzEX».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Наврўз нафаси».
20.45 «Қасамёд». Т/с.
21.35 «Мўъжизавий дунё».
22.00 «Давр».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.35 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.20 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

17.55 Мультсериал: «Сеними, шошмай тур!»
18.05, 22.00 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Дил пайванди».
19.20 Бизнес- «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент-2200» (рус).
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Репортаж».
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
21.55 «Уйларим».
22.15 «Путешествие в Барселону». 2-часть.
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 Кино: «Радуга семи надежд».

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар». (рус).
8.20 «Малахов +».
9.05 «Галактический футбол». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар».
9.50 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Бокс. Ўзбекистон биринчилиги.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Футбол мундиал.
18.30 «Хабарлар». (рус).
18.55 Теннис.
19.45 «Кулгу шифо».
20.25 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
21.00 «Футбол шарҳи»
21.30 «Хабарлар».
21.50 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10, 2.00 Новости.
8.30 Малахов +.
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм
12.20 «Детективы».
13.25 Понять. Простить.
14.15 «Хочу знать» с М. Ширвиндтом.
14.50 «Давай поженимся!».
16.00 Федеральный судья.
17.20 Т/с «СЛЕД».
18.05 «Пусть говорят».
18.55 «Богатая и любимая». Фильм
20.00 «Время».
20.30 «Шальной ангел». Фильм
21.35 Фильм «Птица-Гоголь».
23.25 Фильм «Каратель».
1.30 Фильм «Здоровый образ жизни».

## «Россия»

4.00 Доброе утро, Россия!
7.55 «Жестокий романс Лидии Руслановой».
8.45 Т/с «ЛЕДИ БОСС».
9.45, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50 Вести.
10.50 Мультфильмы.
11.10 Детектив «МАРШ ТУРЕЦКОГО».
13.40 «КОЛДОВСКАЯ ЛЮБОВЬ». Т/с
14.35 Суд идет.
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Т/с
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Т/с
19.45 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Т/с «Каменская-5».
21.50 «Бомба для Хрущева. Исторический детектив».
23.10 Фильм «Спокойной ночи».
0.50 Т/с «Пропавший».
1.35 Т/с «ВОЙНА В ДОМЕ-2».
2.20 «Жестокий романс Лидии Руслановой».
3.05 Комната смеха.

## НТВ

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Кулинарный поединок».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.
9.25 Чистосердечное признание.
10.00 Т/с «ОМУТ».
11.00 Суд присяжных.
12.35 Т/с «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».
14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.
15.30 Т/с «УГРО».
18.40 Т/с «ЛИТЕЙНЫЙ, 4».
20.40 «ОЧНАЯ СТАВКА».
21.40 Ты не поверишь! Обзор.
22.25 Т/с «ФОРМУЛА СТИХИИ».
23.20 Главная дорога.
23.55 Суд присяжных.
0.55 Детектив «КРОВАВАЯ ПОДПИСЬ».
2.35 Фильм «РИМ».
3.25 Особо опасен!
3.50 Т/с «ДЕВЯТЬ МЕСЯЦЕВ ИЗ ЖИЗНИ».
4.15 Т/с «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
10.10, 19.05 Т/с «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА».
11.05, 3.00 Т/с «ПЕПЕЛ ФЕНИКСА».
12.05 Док. фильм «Тайные знаки. Роковая ошибка гениального афериста».
13.05 «Мистика звезд».
14.00, 20.00 Т/с «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА».
15.00 Док. фильм «Затерянные миры. Франкенштейн - в поисках правды».
16.00 Док. фильм «Разрушители мифов».
16.50 «Упс!»
17.15, 2.00 Т/с «В ПОИСКАХ ИСТИНЫ».
18.10 Т/с «ВАВИЛОН 5».
21.00 Док. фильм «Тайные знаки. Формула любви и бессмертия».
22.00 Док. фильм «Затерянные миры. Загадка речной катастрофы».
23.00 Х/ф «ДЖЕК ХАНТЕР. В ПОИСКАХ СОКРОВИЩ».
1.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
4.00 Х/ф «ОСТРОВ НА ТРОИХ».
6.00 Комната страха.

## ТНТ

5.00 «Возможности пластической хирургии».
5.55 «Наши песни». Жасмин.
6.00, 13.00, 18.00 Такси.
6.30 «ДРЕЙК И ДЖОШ». Т/с.
7.00 «Привет! Пока!»
7.30 «Убойная лига».
8.30 «Убойной ночи».
9.00 «Женская лига». Комедия.
9.30, 12.30, 17.00, 18.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
10.00 «Никелодеоны».
13.30, 20.00, 22.45, 1.20 «Дом-2. Live».
15.10 «ЖЕНЮСЬ НА ПЕРВОЙ ВСТРЕЧНОЙ». Комедия.
17.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.30 «УНИВЕР». Ситком.
21.00 Комедия «МАЛЬЧИК В ДЕВОЧКЕ».
23.15 «Убойной ночи».
23.50 «ЛЮБОВЬ НА РАЙОНЕ». Комедия.
0.15 Танцы без правил.
2.15 «Необъяснимо, но факт».
3.10 «Запретная зона» с М. Пореченковым.
4.05 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

7.00, 14.00 Мультфильмы.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
9.00, 21.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.
10.00, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 22.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеди.
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
13.00 «ЧЕМПИОН». Мелодрама.
17.00 Комедия «ХАННА МОНТАНА».
17.30 «Галилео». Журнал.
18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
19.30 «6 кадров».
23.00 Кино «СЛУЧАЙНЫЙ ШПИОН».
0.40 «Даешь молодежь!» Т/с.
1.30 «Слава богу, ты пришел!»
2.45 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
4.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Х/ф.
6.10 Музыка.

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 Тысяча мелочей.
8.30 Мультфильмы.
9.30 «Состав преступлений».
10.00, 15.00, 22.00 «Вне закона».
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ».
11.30 Фильм «ДРЯНЬ».
13.30 «Состав преступлений».
14.00 Судебные страсти.
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-3».
16.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК. СПЕЦИАЛЬНЫЙ КОРПУС».
18.00 Судебные страсти.
19.30, 23.00 Детектив «ОПЛАЧЕНО СМЕРТЬЮ».
20.30 «Смешнее, чем кролики».
21.00 Детективное реалити «Брачное чтиво».
1.00 «Состав преступлений».
1.30 «Карданный вал +».
2.00 Детектив «МЕРТВАЯ ЗОНА».
3.00 Клуб детективов.
5.00 Детектив «ЛАС-ВЕГАС».
6.00 Детектив «АГЕНТСТВО «АЛИБИ».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05, 20.05 KOTV: классика бокса.
12.05, 19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.
12.35 Под водой с...
13.05 21.05 Диалоги о рыбалке. Классика.
13.20 Мир подводной охоты.
13.35 Диалоги о рыбалке. Народный проект.
14.05 Volvo Ocean Race.
14.35 История NHL.
15.05 Классика: NHL. «Эдмонтон» - «Бостон» (1988). 4-я игра финала.
16.05 Wrestling: опасная зона.
16.35 Звезда автострады.
17.20 Картинг.
17.35 Автоспорт России.
18.05 Racing World.
18.35 Спорт собак.
19.20 Охота в Новом Свете.
19.35 Overdrive.
21.20, 1.35 Российская футбольная неделя.
22.20 Классика: Премьер-лига. «Liverpool» - «Newcastle» (28.12.1998).
23.05 Дартс.
0.05 Покер.
2.05 Шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Только не это!
5.15 Outrageous and Courageous.
5.30 Веселые старты.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

## *7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни*

**Саломатлик – жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Одамлар бир-бирлари билан кўришганида соғлигини сўрашади, хайрлашаётиб эсон-омонлик тилашади. Зеро, мустаҳкам соғлиқ бахтли ва тўлақонли ҳаётнинг асоси, гаровидир. Соғ киши узоқ, фаол умр кечиради. Афсуски, тажриба шуни кўрсатадики, аксар одамлар саломатлиги тўғрисида фақат хасталикка чалинганларидан кейингина қайғура бошлайдилар. Таниқли олим Карлейль Томас: «Соғ одам – табиатнинг энг бебаҳо асаридир. Саломатликнинг инсон учун қадри ҳеч қачон пасаймайди, чунки бемор кишига хуш-хурсандчилик ҳам, тўкин-сочинлик ҳам татимайди», – деган эди.**

Ҳар йили 7 апрелда – Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) тузилган сана Бутунжаҳон саломатлик куни сифатида нишонланади. Маълумки, БМТ таркибидаги ушбу ташкилот касалликларга қарши глобал миқёсда курашиш мақсадида таъсис этилган эди.

БССТ ҳар йили ушбу кунда соғлиқни сақлаш соҳасида глобал хусусиятга эга бўлган бирор муҳим мавзуни кўтариб чиқади. Сўнг йил бўйи ушбу мавзуга бағишланган халқаро, минтақавий ва маҳаллий миқёсдаги тадбирлар ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад жамоатчилик эътиборини муаммонинг долзарблигига қаратишдан иборат. Сайёрамизнинг соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муайян глобал муаммога бағишланган ҳар бир йил шунга мос шиор остида ўтади.

2009 йилдаги Бутунжаҳон саломатлик кунининг мавзуси «Фавқулодда вазиятлар шароитида тиббиёт муассасалари» деб номланади. Одатда фавқулодда вазиятлар, фалокатлар ва бошқа инқирозлар (табиий, биологик, технологик ёки ижтимоий, шунингдек, турли низолар билан боғлиқ фалокатлар) чоғида кўпинча соғлиқни сақлаш муассасалари ва хизмати ходимлари жабр чекади. Бунинг оқибатида ўз навбатида жабр чекаётган аҳоли ҳаётий аҳамиятга эга бўлган асосий тиббий-санитария хизматидан маҳрум бўлади.

2008 йилда дунё миқёсида молиявий инқироз бошланди. Бу соғлиқни сақлаш соҳасига киритиладиган инвестицияларнинг кескин камайишига олиб келиши мумкин. Ўтган йили, шунингдек, дунё миқёсида тамаки эпидемияси, ўлимга олиб келувчи сил касаллиги, ижтимоий омиллар ва саломатлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тиббий ёрдамдан фойдаланишдаги тенгсизлик, сурункали хасталикларнинг кўпайиши каби ташвишли тенденциялар қайд этилди.

Бутунжаҳон саломатлик куни БССТга сайёрамиз аҳолиси эътиборини соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор йўналишларга қаратиш учун қулай имкониятдир. Жорий йилда БССТ ва унинг халқаро ҳамкорлари соғлиқни сақлаш инфратузилмасига инвестициялар киритишнинг аҳамиятини, бу турли хасталикларга қарши муваффақиятли курашиш, муҳтож одамларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш имконини беришини таъкидлайдилар.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори доктор Маргарет Чен 2009 йил 13 февралда Рим шаҳрида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича бўлиб ўтган Глобал форумда қилган маърузасида замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг муаммолари устида батафсил тўхталди.

Ҳозирги даврда одамлар соғлиғига учта умумий тенденция жиддий хавф солаяпти. Булар аҳолининг кексайиши, урбанизация жараёнининг ҳаддан ташқари тезлашгани ва носоғлом турмуш тарзининг кенг ёйилаётганидир.

Бунинг оқибатида узоқ йиллар бой-бадавлат ҳамжамиятларнинг йўлдоши деб ҳисобланган бир қатор сурункали хасталиклар паст ва ўрта даромадли мамлакатларга ҳам тарқала бошлади. Бу эса ўз навбатида қимматга тушадиган узоқ муддатли муолажаларни талаб этади, тиббиёт ходимларининг етишмаслиги муаммосини янада кучайтиради.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириши, соғлиқни сақлаш инфратузилмаси тараққий топган мамлакатлар билан халқаро алоқалар ва ҳамкорликнинг кенгайиши мамлакатимизда мавжуд бўлган аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш тизимининг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатди.

Ҳозирги замон соғлиқни сақлаш соҳаси муаммолари Жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми бўлган республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳалардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам мавжуд муаммоларни ҳал этиш, республикамиз аҳолиси саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилдаги Фармонига мувофиқ Давлат дастури қабул қилинган эди. Унда Миллий соғлиқни сақлаш моделини босқичма-босқич яратиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида 60 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан 6 та қонун, 30 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари, 17 та меъёрий ва 100 дан зиёд соҳавий ҳужжат қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги, «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Психатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари компонентлари донорлиги тўғрисида»ги қонунлар кучга киритилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини айниқса, қишлоқ жойларида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастурининг энг муҳим йўналиши қилиб белгиланди. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшаши ҳисобга олиниб, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ соғлиқни сақлаш иншоотлари тармоғини реструктуризация қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг икки босқичли (қишлоқ врачлик пункти – марказий туман касалхонаси) тизимига ўтилди. Бугунги кунга келиб республикамизда 3100 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаяпти.

1999 – 2004 йилларда мамлакатимизда Фарғона, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш ва ислоҳ этишга қаратилган «Саломатлик – 1» лойиҳаси амалга оширилди. Энди ушбу лойиҳанинг ижобий тажрибаси «Саломатлик – 2» лойиҳаси доирасида республикамизнинг барча минтақаларига кенг ёйилмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаяпти. Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредитлари ҳисобига умумий амалиёт шифокорларини узлуксиз тайёрлаш тизими жорий этилмоқда.

Чақалоқларда туғма касалликларни аниқлаш (скрининг) тизими яратилган. Неонаталь скрининг йўли билан 70 фоизгача бўлган ҳомиладор аёллар текшириб чиқилди. Бу чақалоқларнинг туғма аномалиялар билан туғилиш ҳолатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Организмда темир моддаси танқислиги, камқонликнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида 2005 йилдан буён Глобаль альянс гранти ҳисобига молиялаштирилаётган Миллий дастур амалга оширилаяпти.

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими яратилган. Бугунги кунда Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ), унинг вилоятлардаги ва Нукус шаҳридаги шохобчалари, шунингдек, ҳар бир марказий туман ва шаҳар касалхонаси қошидаги шошилинч тез ёрдам бўлинмаси кўринишидаги кичик шохобчалар муваффақиятли фаолият кўрсатиб турибди. Тез ёрдам хизмати ва санитар авиацияси ҳам ушбу яхлит тизим таркибига киради.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатида кўп жиҳатдан соҳа ходимларининг касб маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Республикамизда бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли олий тиббий таълим тизимига ўтилди. Тиббиёт академияси ташкил этилди. Бу даволаш-ташхис қўйиш, профилактика ва ташкилий ишлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш имконини берди.

Аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 январдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ кардиология, жарроҳлик, урология ва кўз микрожарроҳлиги республика ихтисослашган марказлари ташкил этилди. Улар бугунги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатяпти.

Қўшни давлатларда, дунёнинг бошқа минтақаларида турли юқумли касалликлар бўйича мураккаб вазиятлар юзага келган пайтларда ҳам республика Ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда барқарор санитария-эпидемиология ҳолати сақлаб қолинди.

«Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонининг таъсис этилиши соҳа ходимларининг нуфузини оширди, уларга рағбат бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳукуматимиз республика аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор бераяпти. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши баробарида ва ўтказилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий ўзгаришлар тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўсиши кузатилаяпти. Сўнгги 10 йил ичида болалар ўлими 68 фоизга, оналар ўлими эса 38 фоизга камайди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқларини БССТ, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 22 январдаги Фармойишини ижро этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилмоқда. Ҳукумат қарорларини ва белгилаб олинган тадбирларни амалга ошириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, пировард натижада халқимиз саломатлигини яхшилаш имконини яратади.

**Р. РАВШАНОВ,**
**республика ИИВ**
**Тиббиёт бошқармаси**
**бошлиғи ўринбосари,**
**полковник.**

ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК!

# ҚИММАТГА ТУШГАН ШИЛҚИМЛИК

***Шаҳрихонлик Шерзод Бакиров ўрта мактабни тамомлаб, яхши ниятлар билан Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтига ўқишга кирган эди. Оилада эркароқ ўсган Шерзод ота-онасига гапини «ўтказа» оларди. Шу боис талаба бўлишига қарамай, қимматбаҳо кийим-бош, уяли телефонга эга эди. Ўзи каби «бойвачча» курсдошлар орттирган Шерзоднинг юриш-туришида ўзгариш сезила бошлади. Яъни, ўқув машғулотларидан сўнг қизлар билан танишишга ҳаракат қиларди. Табиийки, курсдош қизларнинг ҳаммаси ҳам Шерзоднинг қилиқларини ёқтиравермас эди. Фақатгина Насиба исмли қизгина у билан яхши муомалада бўларди.***

Кунларнинг бирида Насиба Шерзодга дугонаси Сарвигулнинг телефони рақамини берди. Шерзоддан тўрт ёш кичик бўлган Сарвигул нотаниш йигитнинг қўнғироқларига эътибор бермай юрди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шерзод Сарвигулга Насиба орқали қўнғироқ қилди. Бу танишув Шерзодни қувонтирди ҳамда қизга тез-тез қўнғироқ қилиб туришини айтди.

— Гапларидан хушмуомала, одобли, яхши қизга ўхшайди, — деди Шерзод Насибага.

— Ҳо, ҳатто кўрмай туриб ҳам ёқтириб қолдингизми? — жилмайди Насиба. — Аслида кўриниши чакки эмас. Лекин бачканаликни ёмон кўрадиган содда қиз.

Машғулотлар тугаб, ётоқхонасига келган Шерзоднинг миясини ҳар хил уй-фикрлар чулғаб олди.

— Уни бугуноқ учрашувга таклиф қиламанда, курсдошларимга кўрсатиб мақтанаман, — дея Шерзод Сарвигулга қўнғироқ қилди. Бир-икки дақиқа қиз билан гаплашиб, уни учрашувга чақирди.

— Қанақа йигитсиз? — бирдан жаҳли чиқди Сарвигулнинг, — мени ким деб ўйлаяпсиз? Сиз билан гаплашганимга енгилтабиат қиз экан, деган фикрга бордингизми? Бундан кейин мени безовта қилманг!

Сарвигулнинг бундай муомаласи Шерзоднинг жаҳлини чиқарди. Унинг гапларини ўзича ҳақорат деб билди. У эртаси куни бўлиб ўтган воқеани ошналарига гапириб берди. Улар хандон отиб кулишиб, уни масхара қилишди.

— Сен шундай усулни ўйлаб топгинки, ўша қизнинг ўзи сени қидириб топадиган бўлсин!

Улфатларнинг бу «маслаҳати»дан кейин Шерзод Сарвигулни учрашувга қўрқитиш йўли билан чақирмоқчи бўлди. Насибага билдирмасдан унга қўнғироқ қилиб, дағдаға қилди.

— Сен ўзингни фариштаман, деб ўйлаяпсанми? Қўлимда кимлигингни исботловчи далиллар бор. Уларни ота-онанг, яқин қариндошларинг ва маҳаллангдагиларга айтиб, шармандангни чиқараман!

Шерзоднинг телефондаги дағдағаси Сарвигулни саросимага солиб қўйди. Бир шилқимнинг ножўя хатти-ҳаракатларига қарши бориб, туҳмат балосига йўлиққанидан афсусланган Сарвигулнинг тинчи бузилди. Уйдагиларга гоҳ у ерим, гоҳ бу ерим оғрияпти, деган баҳона билан кўчага чиқмай қўйди.

Ўзича қизни қўрқитиб қўлга олган Шерзод кунора Сарвигулга қўнғироқ қилиб, дағдағали гапларни такрорлайверди. Бу ҳолат ўн беш кун давом этди. Сўнгги гапларида йигит уни фоҳишаликда, бузуқликда айблади. Шерзод бу гапларни Сарвигулнинг онасига ҳам айтди. Аёлга қизи у билан кўнгилхушлик қилишини, акс ҳолда шармандасини чиқаришини, ҳатто ўлдириб юборишини айтиб қўрқитди. Сарвигул телефонда гаплашишни хоҳламаганда эса у ҳақда турли туҳмат сўзлар ёзилган хабарлар юбориб, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб келди.

Бундай туҳмат гапларга чидай олмаган Сарвигул ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди. У кўп миқдорда дори ичиб, заҳарланди. Қисқаси, у соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан телефондаги зўравон тез орада қўлга олинди.

Инсонни камситишга, ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бир бегуноҳ инсоннинг шаъни, қадр-қимматини камситиб, ҳақоратлаб, турли туҳматлар тўқиган Шерзод Бакиров суд ҳукми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Ҳусанбой ЮСУПОВ.**
**Азизхон БУЗРУКОВ.**
*Андижон вилояти.*

ТЕЗКОР ХОДИМ ФАОЛИЯТИДАН

**Пул, бойлик деб қариндош-уруғдан кечиб кетганлар, ота-онасини унутиб қўйганлар ҳақида эшитгандим. Аммо пул учун хотинини бошқа эркакка қўшиб қўйган кишини кўриб, ҳайратдан ёқамни тишладим.**

# ПУЛНИ ДЕБ...

... Тошкентлик Мактуба Ҳалимовани савдогарлар бежиз пойтахт бозорларининг «гули» дейишмасди. У бозорга келган деҳқон, боғбонлар ишончига кириб, сабзавот ва меваларини сотиб берарди. Ўзини жуда ҳалол, хокисор кўрсатган аёлга ишонганлар аввалига 50-100 килодан маҳсулот келтириб беради. Кейинчалик «қиёматли қариндош» бўлиб қолган Мактуба уларга:

— Овора бўлманг, машинада ўзим олиб келаман, сиз бемалол далададаги юмушларни бажараверинг, — дейди ва бир йўла тонналаб олиб келади-да ғойиб бўлади.

Мактубани кута-кута толиққан боғбон ёки деҳқон бозорга келиб уни топа олмайди. Чунки у аллақачон бошқа бозорда кимнидир чув тушириш пайида бўлади. Охирги марта Хоразмдан ўн тоннага яқин гуруч олиб келиб кўтарасига пуллаб, қочиб кетади. Ёзи билан меҳнат қилган деҳқонлар Мактубанинг макрига учиб, қуруқ қолишади.

Ички ишлар ходимлари томонидан қидирилаётганини билган Мактуба изсиз йўқолади. Биз бир неча марта у яшайдиган хонадонга бордик. Ҳар гал унинг эри:

— Мен ундай хотиндан кечганман, — дейди.

Фарзандлари эса:

— У аёлни она дейишга тилимиз бормайди, биз энди унга фарзанд эмасмиз, — дея ўзини уялган қилиб кўрсатади.

Қизиғи шундаки, оилада ҳеч ким ишламайди, аммо болаларнинг юриш-туриши, кийиниши шўрим, эрнинг тагида эса чет элда ишлаб чиқарилган машина. Буларнинг бари «ишбилармон» аёл туфайли эканлигини изоҳлаш шарт эмас эди, албатта. Аммо киши кўзига Мактубадан кечиб юборишгани билиниб туради.

Кўп суриштирувлардан кейин Мактубани Бўстонлиқ томонда эканлигидан хабар топдик. У бу ерлик уч-тўрт боғбонни ҳам чув тушириб кетган экан, ногаҳон ўшалардан бирига дуч келиб қолдик.

— Бу аёл мендан икки тонна узум олиб кетиб, қорасини ҳам кўрсатмасди. Яқинда бир эркак билан кўриб қолдим, — деди у.

Биз боғбон айтган дала ҳовлини кузатаётганимизда Мактубанинг эри машинада чиқиб кетди. Дарвозани эса кимдир ёпиб олди. Демак, Мактуба шу ерда. Ярим соатлар ўтгач, эшикни тақиллатдик, ҳеч ким жавоб бермади. Ичкарида одам борлиги аниқ эди. Қўшни ҳовлидан ўтиб, ичкарига кирганимизда Мактуба бегона эркак билан базми жамшид қилиб ўтирарди...

**Максуд ЖУМАТОВ,**
**Собир Раҳимов тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор.**
*Тошкент шаҳри.*

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар чоғида Жиззах шаҳридаги маҳаллалардан бирида яширинча фаолият кўрсатаётган цех фош этилди. Улуғбек номли маҳалладаги 32-уй шаҳардаги «Кўкбозор» ҳудудида жойлашганлиги сабабли спиртфурушлар ўзларининг «тадбиркорлик» фаолиятларини айнан мана шу хонадонда йўлга қўйишган. Бироқ уларнинг қўлбола арoқ савдоси билан шуғулланишлари узоққа чўзилмади.

Тергов-тезкор гуруҳи томонидан ушбу хонадон кўздан кечирилганда, «Тошкент» номли ёрлиқлар ёпиштирилган 300 шишадан ортиқ қўлбола арoқ, елим идишларга қуйилган этил спирти ҳамда турли хил мослама ва ускуналар борлиги аниқланди. Қонунбузарлардан далилий ашё сифатида 3 миллион 170 минг сўмлик маҳсулотлар олинди.

Ҳозирда ўз ҳовлисида яширин цех ташкил этган Йигитали Абдурасуловга жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ, майор.**
*Жиззах вилояти.*

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

# ШАЙТОН МАЛАЙИ

***Ш. Жамол (исмлар ўзгартирилган) эндигина 23 ёшга кирган бўлса-да, икки марта судланди. Дастлаб у 19 ёшида ўғриликка қўл уриб, жиноят ишлари бўйича Пешку туман судининг ҳукмига кўра, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Қарши шаҳар суди эса 2006 йилда ажрим чиқариб, уни муддатидан илгари шартли равишда жазони ўташ муассасасидан озод этганди.***

Бироқ Ш. Жамол ўзига берилган бу имкониятдан тўғри хулоса чиқармади. Бирор жойда ишлаш, ўқиш ўрнига яна жиноятга қўл урди. Энди у хавфли жиноятчи сифатида суд қилинмоқда. Ўғриликни касбга айлантирган йигит бу гал марҳум отасининг қадрдон синфдошини чув туширди...

У дўкондан бир шиша арoқ харид қилди-да, отасининг синфдоши бўлган Бешим аканинг хонадонига кириб борди. Раҳматли жўрасининг ўғлини кўрган Бешим ака уни хушнудлик билан кутиб олди. Дастурхон тузаб, у билан дилдан суҳбатлашди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун йигит хонадонда тунаб қолди. Эрталаб мезбон «меҳмон»ни уйғотишга кўзи қиймай ўз юмушлари билан уйдан чиқиб кетди.

Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолганини сезган йигит ўрнидан туришга эриниб, хаёлга чўмди. «Энди қаерга борай, нима қилай, бу бекорчилик ҳам, пулсизлик ҳам жонга тегиб кетди. Бундан қутилишнинг йўли бормикан?!» Ўйланиб ётган йигитнинг кўзи бирдан хонадаги рангли телевизорга тушди.

— Нимани кутаяпсан, кўнглингдан ўтаётган ишни қилсанг-чи? — елкасига қўнган шайтондан сас келгандек бўлди.

«Қаерда эканингни унутма. Бешим ака марҳум отангнинг қадрдони. Унга оғир кунларда суянишинг мумкин». Ички бир овоз уни бу фикридан қайтишга ундарди. Бироқ шайтоний макр устун келди. У бир сакраб ўриндан турди. «ДЭУ» русумли телевизорни даст кўтариб, кўчага олиб чиқди-да, машина ёллади. Жамол телевизорни бир танишига гаровга бериб, ундан 50 минг сўм қарз олди. У яна маишатни бошлади.

Воқеадан хабардор бўлган ички ишлар ходимлари Каримни никоҳсиз яшаётган хотинининг уйида қўлга туширишди. Дастлабки тергов жараёнларида ўғирланган буюм ўз эгасига қайтарилди. Ҳалиям Бешим ака инсофли, диёнатли инсон экан. Судда синфдошимнинг ўғлига ҳеч қандай даъвоим йўқ, деди. Суд Ш. Жамолни айбдор деб топди ва озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*

ФУТБОЛ

# БАЙРАМ ТУРНИРИ

**Вилоят ИИБ ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари спорт мажмуаси ўйингоҳида уюштирилган турнир осойишталик посбонлари учун ҳақиқий футбол байрамига айланди. Турнирда 16 та жамоа ғолиблик учун беллашди.**

Муросасиз кечган баҳслар якунига кўра, финалда вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари ўзаро куч синашди. Учрашув 4:3 ҳисобида қўриқлаш бошқармаси жамоаси ҳисобига ҳал бўлди.

Мусобақада фаол иштирок этган ходимлар ҳамда ғолиб жамоаларга кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ш. СОЛИЕВ.**

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Хоразм вилояти ИИБда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан футбол мусобақаси бўлиб ўтди.**

Беллашувда қўриқлаш отряди, навбатчилик қисми, тезкор, тартибот ҳамда тиббиёт бўлинмалари жамоалари ўзаро куч синашишди. Кескин беллашувларга бой тарзда ўтган мусобақада тергов ҳибсхонасининг қўриқлаш отряди жамоаси ғолиб чиқди.

Ғолиблар муассаса раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

**Ғанижон ЁҚУБОВ,**
**кичик сержант.**

# «НЕФТЧИ» ПАСТЛАБ КЕТДИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигаси баҳслари ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Учинчи турнинг марказий учрашувида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида мамлакат чемпиони – «Бунёдкор»ни қабул қилди.**

Биринчи бўлимдаёқ тошкентликлар ташаббусни ўз қўлларига олишди. Дастлаб Ривалдо, сўнг Анвар Ғофуров «Нефтчи» дарвозасини ишғол қилишди. Иккинчи бўлимда бунёдкорчилар яна ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Учрашувнинг 50-дақиқасида «Бунёдкор» ярим ҳимоячиси Виктор Карпенконинг узоқ масофадан берган зарбаси орадаги фарқни йириклаштирди – 0:3. Сафарда уч очко билан қайтган «Бунёдкор» мусобақа жадвалини бошқариб бормоқда. Кетма-кет уч учрашувда маглубият аламини татиган фаргоналиклар эса сўнгги поғонага пастлаб кетди.

«Андижон» (Андижон) жамоаси сафарда тўп суриб, «Насаф» (Қарши)га 2:4 ҳисобида мағлубиятга учради. Тошкентнинг икки жамоаси – «Пахтакор» – «Локомотив» учрашувида Вадим Абрамов шогирдлари пахтакорчиларга муносиб қаршилик кўрсатди. Жамоалар 1:1 ҳисобидаги дуранггга имзо чекишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» (Наманган) – «Бухоро» (Бухоро) – 1:1, «Металлург» (Бекобод) – «Шўртан» (Ғузор) – 3:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) – «Олмалиқ» (Олмалиқ) – 3:2, «Динамо» (Самарқанд) – «Хоразм» (Урганч) – 1:1, «Қизилқум» (Зарафшон) – «Машъал» (Муборак) –1:1.

ҚЎЛ ЖАНГИ

# ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

**ФАРҒОНА. Фарғона шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионати мусобақаларида ҳам иқтидорли ёшларимиз ўзаро беллашдилар.**

Наврўз айёми муносабати билан ташкил этилган бу мусобақанинг очилиш маросими катта байрам тадбирига айланиб кетди. Тадбирни вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари қўл жанги федерацияси президенти, генерал-майор Т. Худайбергенов очиб, спортчи ва мураббийларни байрам билан қизғин муборакбод этди ҳамда спортчиларга омад тилади. Шунингдек, тадбирда вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам қатнашиб ёш қўл жанги усталарини байрам билан қутлади.

Шундан сўнг қизғин мусобақалар бошланди. Татамига чиққан ҳар бир спортчининг хатти-ҳаракатлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб борилди.

Мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти спортчилари фахрли биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринни Наманган вилояти вакиллари, шоҳсупанинг учинчи поғонасини эса жиззахлик ёшлар банд этишди.

Ғолиб спортчилар ва уларнинг мураббийлари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқлар, медаллар ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Абдувосит СИДДИҚОВ.**
*Фарғона вилояти.*

**БУХОРО. Вилоят ИИБ спорт мажмуасида Наврўз шодиёналари муносабати билан ички ишлар ходимлари ўртасида қўл жанги мусобақалари ўтказилди. Унда 27 та жамоанинг 189 нафар ходими иштирок этди.**



Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Қизғин баҳсларда ички ишлар ходимлари олти вазн тоифасида куч синашди. Умумжамоа ҳисоби бўйича биринчи ўрин вилоят ИИБ ШТБИХ жамоаси ва бошқарма ҳузуридаги қўриқлаш хизмати жамоасига берилди. Бу икки жамоанинг тўплаган баллари тенглиги боис ҳакамлар ҳайъати шундай қарорга келишди. Иккинчи ўринга муносиб жамоа топилмади. Учинчи ўрин бошқарма ЙҲХБ жамоасига насиб этди.

Беллашувларда Камолиддин Имомов, Замон Болтаев, Шуҳрат Жўраев, Йўлдош Абдураҳмонов, Ориф Саидов, Миржон Асадовлар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлишди.

Ғолиб жамоа ва спортчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Комил БОБОЕВ,**
**майор.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

САМБО

# ПОЛВОНЛАР ГИЛАМГА ЧИҚИШДИ

**Вилоят ИИБ ташаббуси билан Самарқанд олий спорт маҳорат мактаби биносида ички ишлар идоралари ўртасида спортнинг самбо кураши бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ИИБ бошқармалари, шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари, жами 24 та жамоа ғолиблик учун ўзаро беллашди.

Икки кун давом этган мусобақа якунига кўра, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоаси фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. Самарқанд шаҳар ИИБ ходимларига иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринни эса вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари эгаллашди.

Совриндорлар вилоят ИИБнинг кубок ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

**Ш. БУРХОНОВ,**
**капитан.**
*Самарқанд вилояти.*

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ЛЭНСНИНГ ЖАРОҲАТИ

Испанияда ўтказилган велопойғанинг биринчи босқичида саккиз карра «Тур де Франс» ғолиби америкалик Лэнс Армстронг жароҳати туфайли мусобақани давом эттиролмай, касалхонага ётқизилди. Эслатиб ўтамиз, 37 ёшли пойгачи 2005 йилда спортдан кетиб, 2008 йилдан фаолиятини давом эттирганди.

### КАМАР ЎЗИДА ҚОЛДИ

Украиналик ўта оғир вазнли чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко кубалик Хуан Карлос Гомесга қарши ўтказган жангда WBC (Халқаро бокс кенгаши) йўналиши бўйича камарини ўзида сақлаб қолди. Учрашувнинг еттинчи ва саккизинчи раундларида Виталий рақибини нокдаун ҳолатига туширди. Тўққизинчи раундга келиб рефери томонидан жанг тўхтатилди ва украиналик боксчи техник нокаут билан ғалаба қозонгани эълон қилинди.

### АНАСТАСИЯ – ҒОЛИБ

Тог чанғиси бўйича Россияда ўтказилган мамлакат чемпионатининг аёллар баҳсида Санкт-Петербург шаҳрилик Анастасия Кедрина зафар қучди. 16 ёшли спортчи бунгача катталар ҳамда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада ғалаба қозонган.

### ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Венгерияда 2010 йилда ўтказиладиган мини-футбол бўйича Европа чемпионати беллашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, 12 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун тўп суришади. Эслатиб ўтамиз, қитъа биринчилиги келгуси йили 24 сентябрь куни бошланади.

### ЧОПҚИР ГИННЕС КИТОБИДА

65 ёшли япониялик Акинори Кусуда 52 кунда 52 та марафон мусобақасида югуриб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Бунгача мазкур натижа италиялик югурувчига (42 та марафон) тегишли эди.

### «ПАРТИЗАН» МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Баскетбол бўйича Евролига беллашувларининг чорак финал учрашувининг биринчи ўйинида ЦСКА (Москва) Сербиянинг «Партизан» жамоасини 56:47 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мазкур беллашувда армиячилардан Лорбек, Хряпа, Шишкаускас, Смодишлар жамоасига зарур очколар келтирди.

## Табриклаймиз!

Республика ИИВ ШТБИХ катта инспектори, майор **Бернора СОДИҚОВА**ни таваллуд айёми билан самимий қутлаб, узоқ умр, бахт-саодат, оилавий тинчлик, дастурхонига файзу барака тилаймиз. Хизмат ва жамоат ишларидаги фаолиятида зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз. Баҳорий кайфият, қувонч ва омад сира тарк этмасин.

**Республика ИИВ хотин-қизлар кенгаши.**

* * *

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Алоҳида милиция батальони 6-отряд ЙПХ инспектори, катта сержант **Собиржон ҚОРАБОЕВ**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Меҳрибон акажонимизга узоқ ва мазмунли умр сиҳат-саломатлик оилавий бахт тилаймиз. Мартабаси улуғ бўлиб юришини Яратгандан сўраймиз.

**Эҳтиром ила укалари Низом ва Жамшид.**

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

# «ЗАМОНАВИЙ ШУМ БОЛАМАН»



**Зукко, ҳозиржавоб мухлисларимизга раҳмат. Берилаётган ҳар бир ҳазил-суратга улар баҳоли қудрат жавоб ёзишга, мантиқий изоҳлар йўллашга ҳаракат қилишмоқда. Газетамизнинг 11-сонида берилган ҳазил-суратга муштарийларимиз асосан шеърий шаклда изоҳлар йўллашибди. Марҳамат, улар билан танишинг.**

**Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими МИБ ҳисобчиси, кичик сержант Жўрабек Муродов** севимли «Шум бола» фильми ишқибози кўринади:

*Шўхлик қилиб шум бола,*
*Кириб олди тандирга,*
*Кўп кулмагин, эй бола,*
*Ҳозир келади, янга.*

**Транспорт ИИБ Тўқимачи ТИИБ ВЕОҲООГ инспектори, катта лейтенант Дилмурод Жумабоев** қуйидагича фикр билдирибди:

*Бекинмачоқ ўйнаш учун*
*Жой қидирдим бехавотир,*
*Топдим ахир қулай жой,*
*Мана кўринг, у – тандир.*

**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Шуҳрат Мустафоқулов**нинг изоҳи эътиборга лойиқ:

*Алпомишдек дўмбоғи,*
*Кўздан ғойиб бўлибди,*
*Қайдасан деб дадаси,*
*Тандир излаб қолибди.*

**Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими навбатчилик қисми ходими, сафдор Обид Кўзиев**нинг изоҳи ҳам ўзига хос:

*Тўполончи болани,*
*Чиқмасин деб кўчага,*
*Солиб қўйди дадаси,*
*Каттакон бир хумчага.*

**Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО катта инспектори, кичик сержант Рустам Рўзиев** «Мендек замонавий шум болани куттирмасдан паловхонтўрани кўтарган ошиқ-маъшуқлар тезроқ келақолишмайдими?! Кутавериб чарчадимку, ахир» **Тошкент шаҳрилик Абдували Мамазияев** «Тандирдан чиқиб, Ҳожибобонинг олдига бораман», **республика ИИВ Академияси 3-босқич тингловчиси Дилафрўз Мирзаева** «Ойимдан беркиниб тандирга тушиб олдим» дебди.




Шунингдек, **самарқандлик Нурмурод Турдиев, Жиззах шаҳридан Норхол Қураматова, олтиариқлик Нодир Жумаев, сирдарёлик Жамшид Норбеков**ларга йўллаган изоҳлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

# Наим Ёвқочевич ҒОЙИБОВ



**Бешафқат ўлим республика ИИВ Академиясининг фалсафа ва политология кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Наим Ёвқочевич Ғойибовни орамиздан олиб кетди.**

Наим Ғойибов 1933 йилда таваллуд топди. 1956 йили Самарқанд Давлат университетини тугатгач, Самарқанд вилоят газетасида мухбир бўлиб ишлади. Кейинчалик «Фан ва турмуш» журналининг масъул котиби, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши маданият бўлими мудири, «Ўзбекистон» нашриёти директори, Республика ахборот агентлиги директори, республика Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси раиси, республика Маданият вазири, республика чет мамлакатлар билан маданий алоқалар миллий уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедрасининг профессори лавозимларида фаолият кўрсатди.

Н. Ғойибов кўплаб шогирдлар тарбиялади, илмий ва тарбиявий қимматга эга бўлган 200 дан ортиқ китоблар яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатидаги фаолияти билан ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

Н. Ғойибовнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб баҳоланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

Қадрли устоз, етук олим, самимий инсон Наим Ғойибовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда бир умр сақланиб қолади. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Республика ИИВ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.**

# ҚИДИРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ИИБ «Тошкент» аэропорти тармоқ ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юргани учун қидирилмоқда.**

**Отто Хоффарт.** 1953 йилда туғилган. Германия Федератив Республикаси фуқароси. Вақтинча Фарғона шаҳри А.Тўқай кўчаси, 8-уй, 23-хонадонда яшаган.

* * *

**Дилрабо Саидқосимовна Исоқова.** 1982 йилда туғилган. Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Қўрғонча қўрғонида яшаган.

* * *

**Икром Сувонович Маматмўминов.** 1973 йилда туғилган. Тошкент шаҳри Учтепа тумани Чилонзор-25 даҳа, 4-уй, 14-хонадонда яшаган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Транспорт ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган **Фурқат Аламович Зокиров** қидирилмоқда. У 1979 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 24-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

**Ф. Зокировни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилоят ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# ЎЗАНИНИ ТОПГАН ДАРЁ

***Абдураҳмон косибнинг юраги хуруж қилиб оламдан ўтибди, деган машъум хабар бутун қишлоққа яшин тезлигида тарқалди. Эшитган борки, косибнинг хонадонига шошарди. Қисқа фурсат ичида ҳовлига тумонат одам йиғилди. Кимдир «Соппа-соғ юрувди, ўлим ёш танламайди дегани шу бўлса керак-да деса, яна бошқаси «Ёш кетди, ҳатто ёлғиз фарзандининг орзу-ҳавасларини кўриш бу шўрликка насиб ҳам этмади», деб афсусланар, баъзилар «Абдураҳмон ака тилла одам эди, имонини берсин, яшолмаган умрини ўғли Омонжонга қўшиб берсин» деб дуо қиларди.***

Майит тобутга олиниб, ҳовли ўртасига қўйилгандан кейин қишлоқ имоми азадорлардан: «Раҳматли Абдураҳмоннинг одамлардан олди-бердиси бўлса кафилликни берадиганлар борми?!» деб сўради. Ўртага мўйловлари эндигина сабза урган, чамаси 17 ёшлар атрофидаги йигит чиқиб келиб: «Бор. Мен Абдураҳмон косибнинг ўғли Омонман. Падарибузрукворимнинг кимдан қарзи бўлса барчасини тўлашга тайёрман» деб отасининг тобутини ушлади...

Қирқ кунлик маъракаси ўтгунча Абдураҳмон косибнинг уйидан одам аримади. Қишлоқ аҳли бир зум бўлсин Омонжонни ёлғизлатиб қўймади. У отасининг яхшиликлари эвазига элнинг меҳрибонлигидан кўкси тоғдек юксалар, умри бўйи етгулик маънавий мерос қолдирган қиблагоҳига дилида шукроналар айтарди. Оддий ҳунарманд косибни халқ шунчалар ардоғлаб, руҳини шод этишга ҳаракат қилаётганлигидан тўғри хулоса чиқарган фарзанд отасининг касбини давом эттирди. Косибчилик санъатини озмикўпми Абдураҳмон акадан ўрганган ёш йигит тез орада Омон косиб номи билан эл назарига тушди. Онаси Тўлғаной қўли гул чевар аёл эди. Она-бола рўзғорнинг ками-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилишар, орттирганларини эса тўйга атаб йиғиб боришарди. Ҳаёт чархпалаги тўхтамайди. Кўз очиб юмгунча орадан бир йил ўтди. Отасининг йил ошидан кейин уларнинг уйига қариндошлари, қўни-қўшнилари йиғилишиб, Омонни уйлантириб қўйиш ҳақида маслаҳатлашдилар. Камбағалнинг тўйи зўр бўлади, деганлари рост экан. Биров қўй, биров бузоқ етаклаган, хуллас, бутун қишлоқ аҳли тўйлар муборак, деганча тўйхонага кириб келавердилар. Тўлғаной хола ёлғиз ўғлининг бахтли онларини кўриб қувонса-да, шундай пайтда умр йўлдоши ёнида йўқлиги билиниб, юрагининг бир чеккасида зилдек армон осилиб турарди.

Келиннинг қадами хосиятли бўлди. Аста секин ғам-андуҳ унутилди. Орадан йиллар ўтди. Тўлғаной холанинг ёлғиз фарзанди ўнтага кўпайди. Омон косиб саккиз ўғил икки қизни косиблик ҳунари орқасидан боқиб, камолга етказди. Худо бераман деса, эрта-кечи йўқ экан. Етти нафар ўғли мактабни аъло баҳоларга битириб, олий даргоҳларда таҳсил олиб, катта-катта идораларга ишга жойлашиб кетишди. Уста Омон ўғилларининг бирортаси ота касбини танламаганидан дили хуфтон эди. Аммо уларнинг топармантутарман бўлиб, мансаб пиллапояларидан кўтарилиб боришлари фикрини ўзгартирди. «Бир умр косибчилик қилдим, тунлари ухламай эски этикларнинг йиртиғини ямадим. Одамларнинг дуосини олдим, энди фарзандларим ўз билганча яшайверсинлар», деган хаёл қалбини қоплаган ғуборни тарқатиб юборди.

Инсон бор экан, ўлим унинг изидан соядек эргашаверади. Тўлғаной хола тўқсон ёшида ҳаётдан кўз юмди. Орадан икки йил ўтиб, севимли келини Фароғат ҳам дунёдан ўтди. Омон косиб волидасидан, 65 ёшида эса умр йўлдошидан айрилиб, ёлғизликка маҳкум бўлди. Бу пайтда косиб етти фарзандини уйли-жойли қилган, иккала қизини ҳам турмушга узатган эди. Ўзи билан энг кенжа фарзанди Абдусалим қолганди. Онасининг қирқ ошидан кейин кенжа ўғил отасига чет давлатларга бориб, пул ишлаб келиш нияти борлигини маълум қилди. Уста ҳарчанд қаршилик қилмасин, ўжар ўғилни фикридан қайтаролмади. Абдусалим ишлагани хорижга кетди.

Ҳайҳотдай ҳовлида Омон косибнинг бир ўзи қолганидан хавотирга тушган қўни-қўшнилар йиғилишиб, унинг ўғиллариникига боришди. Абдусалим қайтиб келиб, уйлангунча, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб, ота дуосини олиб ўтиришни маслаҳат беришди. Бироқ бирорта фарзанди бу таклифни маъқул кўришмади.

Қайтанга: «Отамиз ёш бола эмас. Нон-ошини етказиб турибмиз. Бизнинг ишларга аралашманглар!» деган қўрс гаплари билан яхшиликни тилаб остоналарига келган қўшниларнинг дилини ранжитишди.

Омон косиб қариган чоғида яна ота касби орқасидан нон топиб, ёлғизликда яшай бошлади. Энди аввалгидек шашти йўқ, бир ё икки этикни тикиб битиргунча чарчаб қоларди. Қариганда ёлғизлик қийин бўлар экан. Уста озиб кетди, ебичарининг ҳам тайини бўлмай қолди. Кечалари ухлолмасдан болалик дамларини, ота-онаси билан ўтказган бахтиёр онларини эслаб тўлғонарди. Ҳовлисида пилдираб чопиб юрган болаларининг галма-галдан келиб «Ота менга қачон туфли олиб берасиз, қачон саман отим бўлади» деганча харҳаша қилганларида, «Олиб бераман бўталоқларим. Олдин катта акангга велосипед харид қилайлик, кейинги навбат сенларга» деб кеча-кундуз ишлаган давриии кўнглидан ўтказганида беихтиёр кўзларидан ёш қуйилиб келарди. Минг азобда ўлиб-тирилиб катта қилган фарзандлари оқибатсиз чиқди. Емай-ичмай, сарпо-суруғ йиғиб, элга тўй бериб, не-не орзу умидларда туширган келинлари уларнинг изига из, тизига тиз бўлди. Оёғи ердан узилган, кўзларини ёғ босган эру хотинлар, оталарининг ёлғиз яшаётганлигини билсаларда ҳафта-ўн кунда иккита нонни кўтариб келиб бирров ҳол сўрашдан нарига ўтишмади. Уларнинг онгини «Биз ҳамма нарсага ўз кучимиз билан эришдик. Отамизнинг топгани зоғора нонга етган холос. Бошқалардек яшашимизга шароит яратиб беролмагандан кейин ўғилларидан тама қилишга ҳақлари йўқ. Ёлғизлигини айтмаганда ўзининг топаёттани ўзига етади-ку!» деган чиркин фикр банд этганди.

Устанинг бутун умиди кенжа ўғли Абдусалимдан эди. Афсуски у ҳам чет элда бир қиз билан севишиб турмуш қуради ва ўша ёқларда муқим яшаб қолади. Икки ўт орасида қолган Омон косибнинг энди уйланишдан ўзга чораси қолмаганди. Бутун умр қилган меҳнати зое кетганидан ўкиниб, янгидан ҳаёт бошлашни дилига тугди. Отанинг бу қарори фарзанду келинларни ташвишга солиб қўйди. Уларни кўпроқ отасининг тинчидан кўра ҳайҳотдай ҳовли ўзга аёл ихтиёрига ўтиши ташвишлантирарди.

*(Давоми бор).*

**Бекмурод УСМОНОВ.**

*Хоразм вилояти.*

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, подполковник **Мели РАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Илёс Ашуровга акаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Азимжон МУҚИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник Файзулло Бебутовга акаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Саъдулло БЕБУТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Нуриддин Бобохоновга отаси **Халил БОБОХОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ХЧК ва ФРБ бошлиғи ўринбосари, подполковник И. Раҳимовга волидаи муҳтарамаси **ҚАНДОЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма МИБ бошлиғи ўринбосари, майор Арина Эмга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси **Евгений ЭМнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ШТБИХ бўлинма бошлиғи, катта лейтенант С. Нарзикуловга отаси, истеъфодаги майор **Ортикбой НАРЗИКУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, фахрийлар кенгаши, Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги капитан **Эргаш АБДУЖАЛИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ МАНБАЛАРИ

Бугунги ҳаёт талаби кишилардан тинимсиз изланишлар самарасидан воқиф ва барча янгиликлардан хабардор бўлишликни талаб этмоқда. Чунки, маънавий янгиланишлар инсонни камолотга етаклайди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тавсиясига биноан Шуҳрат Рўзиевнинг «Мафкуравий иммунитет манбалари» номли китобини чоп этди.

Китобда Ватанимизнинг истиқлол йилларидаги тараққиёти, юртимиз аҳолисининг бугунги янгича ҳаёт тарзи ва кишилар онгидаги янгиланишлар, шунингдек, миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи эканлиги ҳақидаги фикрлар ўрин олган. Китоб публицистик услубда, ҳамма учун тушунарли тилда ёзилган. Бу каби асосли фикрлар «Ахборотлар оламига бир назар», «Маънавият лавҳалари», «Тинчликни ҳимоя қилиш – шараф», «Конституция – равнақимиз манбаи» ва «Ҳикматлар булоғи» фаслларида ҳам ўрин олган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу манбаларнинг барчасида муаллифнинг ўзига хос ижодкорлик салоҳияти ёркин акс этган.




Ушбу рисола социология фанлари доктори, профессор А. Холбеков таҳрири остида нашр этилди. Шунингдек, И. Қувондиқов илмий муҳаррир ва ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор Ш. Мамадалиев тақризчи сифатида иштирок этган.

Ўйлаймизки, асар муаллифининг ушбу ўзига хос туҳфасини мухлислар асло эътиборсиз қолдирмайди.

**Ғ. ЭШМАНОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

1 АПРЕЛЬ – ХАЛҚАРО КУЛГИ КУНИ

# КУЛИНГ – УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ

☺☺☺ ☺☺☺

1 апрелни ҳазил-мутойиба билан ўтказиш Франция, Англия, Мексика ёки Швецияда бошлангани ва умуман қайси мамлакатдан чиққани ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Илгари 1 апрель кўп мамлакатларда баҳорий кун ва тун тенглиги сифатида байрам қилинган. Яна шуниси маълумки, кўклам давридаги кун ва тун тенг бўлган дамлар байрам сифатида ўйин-кулги, шўх ҳазил-мутойибалар билан ўтказилган. Кулги ва ҳазил куни пайдо бўлишининг ўзгача, кўпроқ тарқалган тахмини ҳам бор. У йил ҳисобининг Викториан тақвимидан Грегориан тақвимига ўтиши билан боғлиқдир. Гап шундаки, XVI асрда Францияда Карл IX тақвимни ислоҳ этишидан аввал Янги йил 1 январда эмас, балки мартнинг охирида нишонланган. Шу боис янги йил ҳафтаси 25 мартдан 1 апрелгача давом этган.

Янги йил байрамини шод-хуррамликда ўтказиш авваллари ҳам русум бўлган. Тақвимдаги ўзгаришларга қарамай айримлар янги йилни эскича нишонлашни давом эттираверганлар. Бошқалар эса уларнинг устидан кулиб, «аҳмоқона» совғалар тақдим этиб, «апрель тентаклари» (Aprils Fools), дея атаганлар. Шу тариқа «Кулги ва ҳазил куни» вужудга келган.

XVIII асрга келиб байрам оммавийлашиб боради. Инглиз, шотланд ва французлар уни Америкадаги мустамлакаларида кенг тарқалишига сабабчи бўлдилар. Кулги ва ҳазил кунида инсонлар бир-бирлари билан ўзаро ҳангомалашиб, кайфиятни чоғ қилишга интилишади. Байрам анъаналари ҳозир ҳам мавжуддир. Унинг давом этишига табиатнинг ўзи ҳам сабабчи бўлади. Баҳорнинг инжиқ кунларида инсонлар ҳазил-мутойиба, ҳангомалар билан кайфиятларини кўтаришга ҳаракат қиладилар.

Айни кунларга келиб ер юзининг кўплаб мамлакатларида биринчи апрелни Кулги ва ҳазил куни сифатида нишонлаш анъанага айланган. Шу куни жойларда аскиябозлик, қизиқчилик, латифагўйликлар бўлади. Халқимиз азалдан кулги ва ҳазилни яхши кўради. Беғубор кулгига нима етсин. Машҳур қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов айтганидек, кулги ва табассумни яхши кўрган кишининг умри узоқ бўлади.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● **Қувноқ кишига дунё ҳам кулиб тургандай туюлади. Одамларнинг ҳақиқий характери кулгандагина чинакам намоён бўлади.**
*И. Гёте*

● **Табассум – тинчликнинг калити, яхшиликнинг чирогидир.**
*«Оталар сўзи»дан.*

● **Ҳазил-ҳордиқ бўлгани учун ҳам асабни мулойимлаштиради.**
*Арасту.*

● **Хуррамлик китобин ўқимоқ керак,**
**Дилда ғам қуввати ўсмасин андак.**
*Умар Хайём.*

● **Бўлар-бўлмасга қаттиқ кулавериш фаросатсизлик ва ёмон тарбия аломати.**
*Ф. Честерфильд.*




*Рассом Ҳ. СОДИҚОВ.*

## ИҒВОГАР

*Сенга айтай, эй дўстим, бошга бало иғвогар,*
*Қилмишидан юрак чок, ёғар вабо иғвогар.*

*Нияти шум у гумроҳ, бедиёнат, беҳаё,*
*Топмагай элда назар ул бенаво иғвогар.*

*Турмушида лаззат йўқ, нафи тегмас бировга,*
*Дўстларинг бўлди ағёр, эй беибо иғвогар.*

*Ҳақиқатга инонмас, тўғрини ҳеч кўролмас,*
*Режаси фисқу фасод, жабру жафо иғвогар.*

*Уят – номус, андиша, оқибатдан у йироқ,*
*Шуъласи хира чироқ, кажмуддао иғвогар.*

*Элда бор шундай нақл: «Экканингни ўрарсан»,*
*Қилмишиға яраша олгай жазо иғвогар.*

*Эй, Адҳам, бўлма ҳамроз мунофиқу ножинсга,*
*Айлагай дилинг сиёҳ, у бедаво иғвогар.*

**Адҳамжон МАМАТҚУЛОВ,**
**истеъфодаги майор.**
*Фарғона вилояти.*

ДИЛ ХОНИШИ

# ИЛТИЖО

Сиз телба кўнглимнинг топган толеи, сиз инжиқ кўнгилга кўнган золимсиз. Юраклар бир бўлган айни лаҳзада, афсус, мендан жуда-жуда олиссиз...

*Ташқарида эса хониш:*
*Кўзим тушиб кўзингга,*
*Алданиб шўх сўзингга,*
*Бевафо, бевафо*
*Сени кўрдим қайданам...*

Аммо сиз ҳам, мен ҳам бевафо эмасмиз, бизни тақдир, тақдир ҳам эмас, беҳуда ва ақлсиз рашк шу кўйга солди. Кўнгил кўчалари қувончга тор келган айни лаҳзада ғам тобора ўз сарҳадини кенгайтирмоқда. Менинг вужудимда эса унутилаётган Армон султонликни қўлга киритмоқчи. Кўзимда эндигина ёнган шодлик ўз ўрнини Ғамга бўшатмоқда...

Табассумни ҳам унутаяпманми? Наҳот-ки, наҳот яна армонлар арзандасига айлансам?!

Йўқ, йўқ илтимос, мени бу балолардан асранг, ахир мен эндигина уна бошлаган эдимку!

Илтимос, мени қутқаринг!!!

Афсус, афсус олисдалигингиз яна панд бера бошладику... Нега ахир? Нега олисдасиз ахир мендан? Кўкда қуёш порлаётган айни лаҳзада менинг хонам мотамсаро кайфиятда. Эндигина сиз учун ўзимни асрашга ўрганганимда, нега сиз мени асрай олмадингиз? Мен эса ўзимни асраш тугул, унутаяпман... лаҳзаларда вақтдек кичрайиб...

*Олис хотиротнинг телба қўшиғи*
*Машраблар қонида аллаланган ишқ.*
*Дилимнинг, дилингнинг узоқ эшиги,*
*Лаҳзаларда кенгайган фироқли қўшиқ.*

*Ў сенга, у менга айтади алла,*
*Мени ҳам, сени ҳам алдайди Орзу.*
*Кўзимда зоҳиру, тилимда ботил*
*Ахир сен ҳам мени соғиндингку...*

**Гули Нигор.**

☺☺☺☺☺☺☺☺☺

ТАБАССУМ

### ЯРИМ ЙИЛДАН БЕРИ

Харидор:

– Кечирасиз, мана бу торт қанча туради?

Сотувчи:

– Ким билсин, яна қанча тура оларкин, аммо ярим йилдан бери турибди...

### КАЙФИ ОШИБ ҚОЛГАН

Ресторан хизматчиларидан бири иккинчисидан сўраяпти:

– Анави мижозинг қанча вақтдан бери бошини столга қўйиб ётибди, кайфи роса ошиб қолган, шекилли. Ҳайдаб юбормайсанми уни?

– Ҳайдаб нима қилдим? Ҳар сафар уни уйғотганимда қайтадан ҳисоб-китоб қиляпти...

### ҚУДУҚ

Афандининг ўғилчаси қудуққа тушиб кетибди. У болакайга қаттиқ тайинлади:

– Ўғлим, ҳеч қаёққа кетиб қолма! Мен ҳозир арқон олиб келаман-да, сени қудуқдан чиқариб оламан.

### БАШОРАТ

– Бугун газетадаги мунажжимлар башоратини ўқидингизми, дадаси?

– Йўқ, нимайди?

– Бизнинг буржимиздагиларга «бугун оилангизда жанжал бўлади», дейишибди.

– Э-э, нима ишониб ўтирибсанми?

– Бўлмасам-чи. Кўпинча башорат тўғри келади-ку?!

☺☺☺☺☺☺☺☺☺

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7132. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57440 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**